



Ishonch

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси газетаси

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

http://www.ishonch-doveric.uz

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

2012-yil 15-may № 59 (3096) seshanba

Тарихдан сабоқ олиб, замон билан ҳамқадам бўлиб яшаш — бугунги ҳаётнинг ўткир талаби

Президент Ислон Каримовнинг интервьюсидан келиб чиқадиган хулосалар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов шу йил 9 май куни пойтахтимиз Тошкент шаҳрида Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган маросимда иштирок этиб, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан савол-жавоб қайтарар экан, мамлакатимиз тарихининг, халқимизнинг бугунги ва эртанги ҳаёти, жамият ва ён-атрофимиздаги мавжуд вазият ҳақида ўта муҳим ва долзарб фикрларни баён этди.

Давлатимиз раҳбарининг бу чиқиши, унинг барча нутқ ва маърузалари каби, ўзининг долзарблиги, кенг қамрови, теран мантикий асоси, амалий хулоса ва тақлифлари билан халқимиз, жамоатчилигимиз ўртасида катта қизиқиш уйғотди.

Мазкур суҳбатда, аввало, халқимизнинг фашизм устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

«Агарки ана шу даҳшатли урушда 1,5 миллион юртдошимиз қатнашганини, шундан тахминан 500 минг ватандошимиз ҳалок бўлганини инобатга оладиган бўлсак, бу фожиа Ўзбекистондаги биронта хонадонни четлаб ўтмагани аён бўлади».

Дарҳақиқат, бу рақамларнинг маъноси чақадиган бўлсак, улар халқимиз бошига тушган чексиз қайғу-алам ва изтироблардан далолат бериши ўз-ўзидан равшан бўлади.

«Орадан йиллар ўтади, замонлар ўтади, лекин халқимизнинг кўксидagi, қалбидagi муҳим уруш азоб-уқубатлари, айрилиқ яраси ҳеч қачон унутилмайди, —

деди давлатимиз раҳбари. — Барчамизнинг ишончимиз комил: фашизмга қарши курашда ўз она юртининг тинч, осойишта ҳаётини, бегубор осмонини асраш учун мардлик, жасорат ва қаҳрамонлик кўрсатган, жон фидо этган юртдошларимизнинг хотира-си абадий яшайди, халқимиз ўз ўғлонларининг азиз номларини миннатдорлик билан эслайди, уларнинг охирати обод бўлишини Яратганимиздан сўрайди».

Ўтганлар хотирасини ўз ёдида сақлаб, эъозлаб яшаш халқимиз учун энг муқаддас фазилат бўлиб келгани ва қон-қонимиз, суяк-суягимизга сингиб кетгани ушбу чиқишда алоҳида қайд этилди.

«Жаҳон тарихида даҳшатли из қолдирган, собиқ Совет Иттифоқида яшаган 27 миллион одамнинг умрига зомин бўлган, халқимизга қанча азоб-уқубатлар, йўқолишлар олиб келган, қанча аёлларнинг бева-бечора, қанча болаларнинг етим бўлиб қолишига сабаб бўлган бу ёвуз офатнинг ҳаётимизда қолдирган изи, асорати, вақт ўтса-да, даврлар ўтса-да, ҳеч қачон эскирмайди», деган сўзлар айни ҳақиқатдир.

Давлатимиз раҳбари ўз сўзида ғоят муҳим мавзуга, яъни муҳим ва аёвсиз урушнинг тақдорларига учун унинг илдизлари яна униб чиқишининг олдини олиш ҳозирги вақтда энг долзарб, энг муҳим муаммо бўлиб қолаётганига жиддий эътибор қаратди.

«Дунёнинг кўпгина минтақаларидаги қарама-қаршилик, қуролли тўқнашувлар, қонли фожиа-

лар, ён-атрофимиздаги нотинч аҳвол, аввало Афғонистонда 30 йилдан зиёд вақт мобайнида давом этаётган таҳликали вазият Ватанимизни ҳар қандай бало-қазолардан асраш учун доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашимизни талаб қилади» деган фикрлар, табиийки, ўз оиласининг, фарзандларининг эртанги кунни ҳақида ўйлайдиган ҳеч бир юртдошимизни бефарқ қолдирмайди.

Айниқса, бугунги шиддатли замонда лоқайд ва бепарво бўлмасдан, юртимизда, минтақамизда, ер юзидида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдор бўлиб, бошқаларнинг дардини ўзига яқин олиб яшаш ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ана шу интервьюдаги **«Эй одамзот, кўзингни оч, атрофга бир қара, кечаги тарихдан хулоса, сабоқ чиқар! Бундай бало-қазоларга қарши ўз вақтида чора кўриш, керак бўлса, бугун имкониятларимизни уларга қарши ишлатиш, турли мамлакатлар, турли миллат ва элатларнинг бир-бирига қарама-қарши туриб эмас, балки ўзаро елкадош бўлиб, тил топишиб, турли офатларни томири билан йўқ қилишни бугун замоннинг ўзи талаб этмоқда. Бунинг яққо ягона йўли шу. Бунинг бугун тушуниб, англаб олмасак, эртага кеч бўлади»** деган, бамисоли қалб нидоси каби янграган даъваткор сўзлар ҳаммамизни ён-атрофимизга сергақ назар ташлаб, маънавий жиҳатдан доимо уйғоқ бўлиб яшашга ундайди.

Хотира майдонида журналистлар

билан бўлиб ўтган суҳбатда тарихий хотира тушунчасига ҳар томонлама илмий ва ҳаётий асосда таъриф берилди.

«Тарихий хотира — бу умр мазмунини, авлодлар ўртасидаги ворислик туйғусини, уларнинг бир-бирига дахлдор эканини, ҳаётнинг бамисоли узвий халқлар каби кетма-кет боғлиқлигини англаш, тарихдан хулоса чиқариб, бугунги кун учун тўғри йўл танлаш, ота-боболаримизнинг руҳи покларига ҳурмат билан қараш, миллий қадрият ва аъналаримизни топташга йўл кўймаслик, уларни кўз қорачигидек асраш демакдир».

Чиндан ҳам, тарихий хотира одамни беғамлик ва бефарқлик туйғусидан уйғотади, унинг гафлат ботқоғига ботиб қолишига йўл қўймайди. Бу фикрга ишонч ҳосил қилиш учун Ислон Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобига мурожаат қилиш жоиз, деб ўйлаймиз. Ушбу китобдан ўрин олган, 1990 йил 5 июнда республика миқёсидаги катта бир мажлисда мамлакатимиз раҳбари томонидан баён этилган, чуқур сиёсий мазмунга, дастурий аҳамиятга эга бўлган маърузанинг «Ўтмишдан сабоқ чиқариб, келажакка ишонч билан» деб аталгани бунинг яққол тасдиқлайди.

Одамни ҳайратга соладиган томон шундаки, бундан 22 йил олдин сўзланган ўша маърузада ушбу шарҳимизда тилга олинмаган энг муҳим масалалар, яъни тарихга ҳурмат билан қараш, уруш ва меҳнат фахрийларини қадрлаш, азалий урф-одат ва аъналарни, миллий

тилни асраб-авайлаш, миллатлараро муносабатларни тўғри йўлга қўйиш, миллатчилик, шовинизм, «оммавий маданият» кўринишларига қарши курашиш, байналмилал тарбияни кучайтириш, ёшларга ҳал қилувчи куч сифатида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, Қуролли Кучларга муносабат каби ўнлаб масалалар ўзининг ҳар томонлама чуқур тахлилини топангани ва бу масалалар бугунги кун билан нақадар ҳамоҳанг эканини яққол кўриш мумкин.

Хотира майдонидаги суҳбат чоғида Президент Ислон Каримов, шунингдек, бугунги кунда бутун инсониятни ўйлантириши лозим бўлган яна бир ўта муҳим мавзуга батафсил тўхталиб ўтди. Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабага 67 йил бўлишига қарамасдан, минг афсуски, жаҳоннинг турли мамлакатларида, турли ҳудудларида фашизм деган офат яна илдиз отаётгани, қайта бош кўтараяётгани, миллатчилик каби жуда хавфли бало тобора тарқалиб бораётгани ҳақида, бундай хавф-хатарларни сезмаслик, кўрмаслик, уларга нисбатан бепарво бўлиб яшаш асло мумкин эмаслиги ҳақида кўпинча сўз юрди.

«Биз ҳозир XXI асрда яшашимиз, миллатчилик иллати ўрта асрларда қолмадими? Бизга қўшни бўлган баъзи давлатларда тарихлар қайта ёзилди, бу борада институтлар, идоралар тузилапти. Гўёки, бу давлатдаги асосий миллатнинг у билан ёнма-ён яшаётган бошқа миллатлардан устун томонлари бор экан. Бундай ноҳус ҳолатларга вақтида баҳо бермасак, уларнинг олдини олмасак,

огир оқибатларга олиб келиши мумкин» деган сўзлар, ҳеч шубҳасиз, огоҳ этувчи бир бонг бўлиб янгради, десак, асло хато бўлмайди.

Афсуски, вақт ўтиши билан баъзи ҳақиқатлар эсдан чиқади, баъзи ҳақиқатлар ғаразли мақсадларда сохталаштирилади. Ана шундай ҳолатларни назарда тутган ҳолда, Президентимиз бугунги кунда фашизмни, Гитлердек ёвуз шахсларни оқлашга бўлган уринишларни қаттиқ қоралаб, тарих ҳақиқатини ҳеч қачон унутмасликка қарорли: **«Хозирги вақтда баъзи жойларда Гитлер давлат тепасига демократик йўл билан келган, деган даъволар, баёнотлар ҳали-бери чиқяпти. Бундай гапларни эшитганда, мен ўзимга ўзим савол берман: агарки фашизмни ҳукумат тепасига олиб келадиган бўлса, бунинг демократик йўл деб айташга ўзи қандай тил боради ва бу қандай ақлга сиғирилади?»**

Мазкур чиқишда бугунги кунда Ўзбекистон эришяётган, дунё тан олаётган улкан натижаларнинг негизидида турган асосий омил мустақиллик даврида одамларимизнинг дунёқароши, ҳаётга, меҳнатга, ўз касбига бўлган муносабати кескин ўзгариб бораётганида яққол намоён бўлаётгани тўғрисида атрофликлар фикр юритилди: **«Авваламбор, халқимизнинг мустақил фикрлаши, маънавий олами, ижтимоий фаоллиги ўсиб бораётгани барча ютуқларимизнинг пойдевори, куч-қувватимиз манбаига айланаётганини сезиш, кўриш кийин эмас».**

(Давоми 2-бетда).

15 МАЙ — ХАЛҚАРО ОИЛА КУНИ

Тинч ва осойишта ҳаётимиз, сарҳадларимиз мустақамлиги йўлида ҳушёрликни қўлдан бермай, осмонимиз мусаффолиги учун хизмат қилаётган ҳарбийларнинг мардона меҳнати ҳар қанча таҳсинга лойиқ.

Ана шундай фидойи инсонларга эҳтиром кўрсатиш мақсадида Мустақам оила йили ҳамда 15 май — Халқаро оила куни муносабати билан Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ташкил этилган Ҳарбий оилалар қабулида Мудофаа вазирли-

қимматбахо совғалар топширилди.

— Аввало, мана шундай эътибор учун касба уюшма фаолларига чуқур миннатдорчилигимни билдираман. Бу оиламиз учун катта шараф ва албатта, биз ҳарбийларга билдирилган юксак ишонч ҳамдир, — дейди ка-



Тинчлигимиз посбонларини шарафлаб

ги, чегара қисмлари, Ички ишлар вазирлиги ходимлари сафиди жасорат ва матонат намунасини кўрсатаётган ҳарбийлар оилалари қатнашди.

Тадбирда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева ҳарбий оилаларни Халқаро оила куни билан самимий қўлгаб, тинчлигимиз, эркин ва бахтиёр яшашимизни таъминлашда ҳарбийларимизнинг хизмати алоҳида эканини таъкидлади.

Касба уюшмалари томонидан ҳарбий оилалар шарафлиб, муносиб эъоз кўрсатилди. Ҳар бир оилага

питан Исмоил Маматов.

— Юрт тинчилиги ва халқимиз осойишталиги йўлида хизмат қилаётган ҳарбий инсоннинг турмуш ўртоғи эканидан фахрланаман. Улар нафақат Ватан сарҳадларини кўриқлайди, балки оиламиз, фарзандим деб жон куйдирилади. Кўрсатилган эҳтиром учун барча касба уюшма фидойиларига кўпдан-кўп раҳмат, — дейди Мавлуда Мамараҳимова.

Шу ўринда қайд этиш керак, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг давлатимиз томонидан ҳарбий хизматчиларга кўрсатилган эътибор ва

ғамхўрликларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини байрамига бағишлаб йил давомида амалга оширилган чора-тадбирлар дастури қабул қилинган эди. Ушбу дастурга мувофиқ корхона, ташкилот ва муассасалар, олий ва ўрта махсус ўқув юртиларида миллий ватанпарварлик мавзуларига бағишланган маънавий-маърифий тадбир, суҳбат ва кечалар ўтказиш, ҳарбийлар ва ҳарбий оилаларни шарафлаш, Ватан хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашда ўз жонини фидо қилган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзо-

лари ҳолидан хабар олиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тадбирлари амалга ошириб келинмоқда.

Тадбирлар доирасида касба уюшмалари томонидан 3450 нафардан зиёд ҳарбий хизматчи, уларнинг оила аъзолари, ҳарбий хизматни ўташ лайтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилалари фарзандлари, Иккинчи жаҳон уруши, Афғонистонда хизмат қилган фахрийларга касба уюшмалари томонидан эъоз ва эътибор кўрсатилди.

Шунингдек, 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан Мудофаа, Ички

ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, чегара қўшинлари тизимида хизмат вазибаларини бажараётган вақтда ҳалок бўлган оилалардан 60 нафарининг ҳар бирига 200 минг сўмдан жами 12 млн. сўм, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига, меҳнат фронти қатнашчилари ва фахрийларига 869,741 млн. сўм маблағ ажратилди.

Бу каби ҳайрли ишлар бундан буён ҳам изчиллик билан давом эттирилади.

Акмал ТШЕВ,
«Ishonch» мухбири,
Иқром ХАСАНОВ
олган сурат

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ОДҚБ ВА МДХ ОЛИЙ ОРГАНЛАРИНИНГ МАЖЛИСЛАРИДАГИ ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 2012 йил 15 май куни Москва шаҳрида бўлиб ўтадиган Коллектив ҳавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДҚБ) ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) олий органларининг мажлисларида иштирок этади.

Жамият таянчи

Ўзбекистон ифтихорига айланган «ГМ-Ўзбекистон» корхонасида 7500 нафарга яқин ишчи-ҳодим меҳнат қилади. Ишлаб чиқарилаётган автомобиллар сифати хорижда ҳам юқори баҳоланмоқда.

Албатта, бунда жамоа аъзоларига яратилган қулай шароит, техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси, дам олишни ташкил этиш, ишчи-ҳодимлар фарзандларини соғломлаштириш, маънавий-маърифий ва спорт йўналишида олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бераётгани айни ҳақиқатдир.

— Жамоа шартномаси асосий дастуруламалдир, — дейди «ГМ-Ўзбекистон» қўшма корхонаси касба уюшма кўмитаси раиси Мирфозил Олимов. — Мустақам оила йили муносабати билан ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларга қулайлик яратиш ҳамда яшаш шароитларини яхшилашга эътибор янада кучайди. Корхона ҳисобидан 64 хонадонли уй-жой қуриб, ёш оилаларга имтиёзли кредит асосида берилди. 102 нафар ишчи-ҳодимнинг ҳар бирига намунавий ҳовли-жой қуриш учун 27 млн. 750 минг сўмдан маблағ ажратилди.

Мустақам оила йили ҳамда Халқаро оила кунига бағишлаб корхонада ишловчи оилалар иштирокида «Мустақам оила — мустақам давлат» мавзусида кўрик-танлов ташкил этилди. Ушбу танловга маъмурият, касба уюшма кўмитаси ва хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси ҳамкорлигида юқори савияда тайёргарлик кўрилди. Танлов қатнашчилари ҳақида видеороликлар тайёрланди. Жумладан, иштирокчилар — Алиев, Кабиров, Мираҳмедов, Юсупов ҳамда Мўйдинов оилалари экран орқали таништирилди.

Кўрик-танловнинг биринчи шартин бўйича, ҳар бир оила вакили ўз хонадонини, касби ҳамда қизиқишини шеърый сатрлар асосида таништирди. Мазкур шартда Хабиоровларнинг фарзандлари Арслон ва Диананинг донна-дона қилиб ўзбек тилида ўқиган шеърый ҳакамлар ҳайъати томонидан бир овоздан 10 балл билан баҳоланди.

Оила — жамият таянчи. Лекин бунга эришиш учун ҳаёт шодлиги-ю машаққатини енгиб ўтиш талаб этилади. Никоҳдан сўнг эр-хотин қатор ҳуқуқ ва мажбуриятларни зиммасига олади. Қонунийчилигимизда оилани ҳар томонлама ҳимоялаш, фарзандларни Ватан, оилага садоқат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилгани беҳиз эмас. Шунинг билан оила ҳаётининг кейинги шартини «Оила ва ҳуқуқ» йўналишида бўлди. Мазкур турда Алиевлар оиласи тенгсиз деб топилди.

(Давоми 3-бетда).

Тарихдан сабоқ олиб, замон билан ҳамқадам бўлиб яшаш — бугунги ҳаётнинг ўткир талаби

Президент Ислон Каримовнинг интервьюсидан келиб чиқадиган хулосалар

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу борада айниқса инсон омили ҳал қилувчи рол ўйнаётгани ҳар томонлама кенг таҳлил этиб берилди. Шу муносабат билан тарихни дохийлар эмас, балки онгли ва бунёдкор инсон, халқ яратиши ҳақидаги фикрлар янги контекстда, янги мазмун ва фалсафий руҳ билан баён қилинди.

Ҳаммамизга яхши маълумки, собиқ совет мафқураси йиллар давомида бизнинг онгимизга тарихнинг яратувчиси дохийлардир, инсон, халқ эса катта давлат машинасининг кичик бир бўлаги, винтчаси деган нотири гоёни сингдириб келган эди. Бундан ташқари халқимизга нисбатан таъйик ва тақибларни авж олдириган 20-30-йилларда бизнинг ижодкор зиёлиларимиз, хусусан, буюк шоиримиз Чўлпон ўзини тўлқинлар гирдобига тушиб қолган сомон парчасига ўхшатгани халқимизнинг ана шундай мафқурага қарши қалб исбнинг ифодаси бўлган эди.

Президентимизнинг бу масалага янги нукта назардан ёндашуви ҳаётда инсон омилининг, халқнинг тарихдаги ўрни ва аҳамиятини янада теран очиб беришга хизмат қилади. Шу маънода, «Агар халқ қўллаб-қувватламаса, унинг орзу-интилишлари, хоҳиш-иродасини ифода этмаса, дохийнинг ўзи ҳеч нарса қилолмайди» деган фикрлар бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Ушбу суҳбатда яна бир муҳим масала — униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг ота-боболари аъналарини давом эттириб, уларнинг хотираси, бебаҳо меросига нисбатан ҳурмат-эҳтиром, гурур-ифтихор туйғуси билан яшаш миллий ўзига хослигимизнинг асосий белгиси ва ҳал қилувчи шарти экани таъкидланди. Мамлакатимизда ёш авлодни айнан

шу руҳда тарбиялаш, камолга етказишга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилатганидан барчамиз яхши хабардоримиз.

Айниқса, оналик ва бобаликни ҳимоя қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш бўйича мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб амалга оширилаётган дастурларнинг натижалари дунёда кенг эътироф этилмоқда. Яқинда айни шу масалаларга бағишлаб Тошкент шаҳрида ўтказилган халқаро конференциялар биз учун инсон омили, инсоннинг бахти ва камолоти энг буюк мақсад эканини яна бир бор тасдиқлади.

Бу конференцияларда БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Осн таракқиёт банки, Ислон таракқиёт банки каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари ва намояндлари, дунёнинг қарийб 50 та давлатидан, тараққий топган мамлакатлардан кўзга кўринган давлат ва жамоат арбоблари, йирик олимлар ва мутахассислар келиб, бу борадаги ютуқларимизни тан олгани бунинг яққол далилидир.

«Дунёдаги ҳар қайси давлатнинг эртанги кунини, истиқболини ҳал қиладиган иккита мезон, яъни аҳоли саломатлигини сақлаш ва таълим-тарбия соҳасида Ўзбекистоннинг етакчи ўринларга чиқаётгани нимадан далолат беради, бу ютуқларга қандай эришилмоқда, деган масалалар юзасидан кўпгина фикрлар олиб-бирилмоқда, тасдиқлар олиб-дорилмоқда. Лекин мендан сўраса, бу ютуқларнинг асосий мезони инсон омили, деб айтган бўлардим», деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда юртимизда одамларнинг дунёқараш тубдан ўзгармоқда, юксалмоқда. Бу-

гунги замондошларимиз билан 90-йиллардаги инсонларнинг дунёқарашини, онгу тафаккурида ер билан осмонча фарқ бор. Лекин буни баъзан ўзимиз ҳам сезмай қоляпмиз, гўё аввалдан шундай бўлиб келгандек. Энг муҳими, оиламиздаги, меҳнат жамоамиздаги, фарзандларимиз таълим олаётган билим масканларидаги, барча шахар ва қишлоқларимиздаги, бутун Ўзбекистонимиздаги беқиёс янгиланишлар мисолида бу ўзгаришларнинг натижаларини ҳар қадамда кўряпмиз.

Мамлакатимизда 2012 йилнинг «Мустақкам оила йили» деб эълон қилиниши ҳам инсон омилига бўлган эътиборнинг амалий ифодаси экани суҳбат давомида кайд этиб ўтилди. Инсон манфаатларини биринчи ўринга қўядиган ана шундай изчил сиёсат туфайли юртимизда тинчлик ва барқарорлик таъминланиб, кўпмиллатли мамлакатимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатлик тобора кенг қарор топиб бормоқда.

Бундай ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган бойликни кўз қорачиғидек асраш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Президентимиз бу борада, айниқса миллий армиямизни, халқимизнинг тинч-осуда ҳаёти ҳимоясида посбон бўлиб турган Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва қудратини янада ошириш ўта муҳим аҳамиятга эга эканига яна бир бор ургу берди. Мустақиллик йилларида Қуролли Кучларимизни том маънода халқимизнинг гурур-ифтихорига айлантириш йўлида ўзининг қамрови ва миқёси жиҳатидан жуда улкан ишлар амалга оширилгани ва келгусида бу соҳада олдимизда турган мураккаб ва масъулиятли вазифаларга эътибор қаратилди.

Суҳбат давомида давлатимиз раҳбари биз учун энг устувор масала-

лардан бири бўлмиш ёшлар тарбияси мавзусига тўхталиб, бу хусусда тўлқинланиб сўзлади.

Маълумки, ёшлар ҳамма масалада жуда таъсирчан, ҳиссиётга берилувчан бўлади. Айниқса, улар ҳаётда учраб турадиган адолатсизлик, ноҳақлик ҳолатларини нозик ҳис қилиб, бу борадаги ижобий ва салбий ўзгаришларни гоё тез ва ҳасослик билан қабул қилади. Шунинг учун ҳам бизнинг ғанимларимиз бугунги кунда ҳаётимизда мавжуд бўлган айрим камчиликлардан фойдаланиб, ёшларимизни чалғитмоқчи, уларнинг қалбига, дунёқарашига таъсир ўтказмоқчи бўлаётганини эсимиздан чиқармаслигимиз лозим.

Бу борада турли мафқуравий марказлар четдан туриб, «мутлақ эркинлик», «чегарасиз эркинлик», «эркин ахлоқ» деган сохта гоёларни уларнинг онига сингдиришга зўр бермоқда. Бу йўлда «оммавий маданият» намуналаридан, турли ахборот технологияларидан, радио-телевидение, интернетнинг ижтимоий тармоқлари каби венталардан маккорлик билан фойдаланмоқда.

«Бугунги кунда инсон учун ҳеч қандай чегара бўлиши мумкин эмас» деган ёлгон даъволар ёшлар ўртасида кенг тарқатилмоқда. «Авалло, ўзинга ўхшаган билимни, истеъдодли болаларни атрофинга тўпла» деган «маслаҳат»лар бериб, ҳали ҳаётий тажрибаси етарли бўлмаган, содда ўғил-қизларимизни ишончини қозониб, уларни тўғри йўлдан оздиришга уринмоқда.

Мана шундай маънавий хуружлар қандай салбий оқибатларга, ўзаро қарама-қаршилик ва тўқнашуларга олиб келаётганини бугун дунёнинг олис-кин турли минтақаларида кўриш қийин эмас. Бинобарин, бундай фарзали уринишларга асло берав бўлишимиз мумкин эмас.

Мана шундай мураккаб шароитда ёшларимизни, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Мана шу муқаддас тупроқ меники, бу ерда ота-боболаримнинг хоки ётибди. Агар шу мусаффо осмон, шу эркин ва ёруғ ҳаёт, мана шу муқаддас Ватани мен ҳимоя қилмасам, ким ҳимоя қилади?» деган эътиқод руҳида тарбиялаш, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади. Токи ҳаётда ўз йўлини излаётган фарзандларимиз ўз онги, ўз ақли билан мана шу гоёларнинг тарафдорига, керак бўлса, ҳимоячисига айлансин.

«Бугун ёшларимиз ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга қиряпти. Мен бу ёшларга ўзимга ишонгандек ишонман», деди Президентимиз. Бу сўзлар замирида навқирон авлодимизга нисбатан қанчалар меҳр, ишонч ва эътибор мужассам эканини кўплаб амалий мисолларда кўриш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур чиқишида жамоатчиликка қаратилган мувожаат тарикасида янраган яна бир масалага эътибор қаратиш зарур. Яъни, Ўзбекистондаги бугунги тинч-осойишта, фаровон ҳаётни, шахар ва қишлоқларимизни янада обод этиш, жамоатимиздаги меҳр-оқибат муҳитини янада мустақкамлаш учун яна нималар қилишимиз керак?

Бугунги эркин ва овоз ҳаётнинг маъноси ва қадр-қимматини ёшларнинг онига ким етказди, уларга ким тўғри йўл кўрсатади? Бунинг учун биз — биринчи навбатда ота-оналар, устоз-мураббийлар масъул бўлишимиз зарур эмасми?

Шу маънода, «Ёшларимиз эртага ким бўлади, қайси гоё учун курашади?» деган масала барчамизни ҳар қачон, ҳар дақиқада ўйлантириши лозим. Бундай ўткир масалалар Президентнинг талаби эмас, замон-

нинг, даврнинг талаби эканини яна бир бор чуқур тушуниб, англаб олишимиз керак.

Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг 9 май кунини Хотира майдонида билдирган фикрларини шунчаки сиёсат деб эмас, балки ор-номуси, гурури бор, виждони пок, иродаси мустақкам, ўзини шу Ватан фарзанди деб биладиган ҳар қайси одамнинг қалбига, юрагига бўлган ва уни безовта қилаётган тушунчалар сифатида қабул қилиш мантиқий жиҳатдан ҳар томонлама тўғри қараш бўлади.

Шу ўринда муҳим бир фикрга алоҳида тўхталиш зарур. Хозирги вақтда маънавий-маърифий ишларини олиб боришда бир пайтлар ўтмишда содир бўлган ёки бугун юз бераётган воқеа-ҳодисалар асосида эски гиналар, низо ва адоватларни қўзғаш, кимдандир ўч олиш, миллатчиликка берилиш каби ҳолатлар биз учун мутлақо номақбуллар. Бизнинг мақсадимиз узокни кўзлаб, ён-атрофимиздаги, дунёдаги вазиятни холисона таҳлил қилиб, биринчидан, бугун қандай мураккаб ва таҳликали замонда яшаётганимизни англашда ёшларга кўмак бериш, иккинчидан, уларнинг мафқуравий иммунитетини мустақкамлашдан иборатдир.

Бу борада айниқса Президентимизнинг ҳаммамизга яхши маълум бўлган «Уз кучи ва келажагига ишонган халқнинг бағри кенг бўлади» деган сўзларини эсга олиш айтиш мумкин.

Ана шундай гоёларни ўз онига чуқур сингдириб, ҳаётий эътиқодига айлантирган миллат ва халқни ҳеч қандай ҳў ўз танлаган йўлидан қайтара олмайди ва бундай халқ ўз олдига қўйган юксак мақсадларга албатта эришади.

ЎЗА

ТОМОРҚА — ХАЗИНА

Қойил!

Денов туманидаги Муқимий номи маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда яшовчи 84 бахорни қаршилайтган Мамажон бобо Алламуродовга кўплар ҳавас қилади. Айни пайтда у оиласи фаровонлигини таъминлаш мақсадида ўн сотихдан иборат томорқасида рўзгорбоп экинлар экиб, фарзандлари, набираларига экин парваришларининг сир-синаотини эринмай ўргатиб келмоқда. Отахон оила аъзолари билан бозордан маҳсулот сотиб олмайди. Ҳатто, гўштни ҳам. Мамажон отанинг кўрасидаги кўчқорлари йил сайин кўпайиб бораётир.

— Жисмоний меҳнат менга куч-қувват бағишлайди. Узингдан чиққанга не етсин, — дейди Мамажон бобо Алламуродов.

Отахон даромади ҳисобидан маҳалла ҳудудда дорихона қуриб, 4 кишини иш билан таъминлади. Шу маҳаллада яшовчи Дона Алламуродов ҳам 20 сотихли томорқасидан йилига 2-3 мартадан ҳосил олиб, бошқаларга ибрат бўлмоқда. У картошка, пияз, макка-жўхори, помидор, редиска, қўйинги, ўнлаб зироатларни пешма-пеш экиш йўли билан йилига 6-8 миллион сўм соф даромад олиб келмоқда. Бундан ташқари, узум, олча, ёнғоқ, ўрик, анор, беҳи сингари 20 дан зиёд мевали дарахтлардан ҳам яхшигина ҳосил қўтаради.

— Хонадонимизда 12 киши яшайди. Оиламизнинг асосий бюджетини томорқадан олинандиган даромад тўлдирди. Бундан ташқари, 4-5 та қорамол, соғин сиргиларимиз ҳам бор. Бошқача айтганда, сўт-қатик, гўшт маҳсулотлари ҳам ўзимиздан чиқади, — дейди Дона Алламуродов.

Рустам ДАВЛАТОВ, «Ishonch» мухбири

Тўкинлик манбаи

«Дехқонки дона сочар, шу билан ризқ-рўз эшигин очар». Бу ибора томорқачиларга жуда яхши таниш. Сабоби экилган экинлар эрта-индин пишиб етилса, эл дастурхони тўкин бўлади. Қарши туманидаги Ширкент маҳалласида бунинг англаб етганлар бисёр.

Яқинда қишлоқнинг Амин Аҳмедов, Виктор Аширов, Муҳаммад Аҳмедов, Бегмат Хўжакулов, Ҳаким Тошев, Қурбон Эгамов хонадонларида бўлди. Томорқаларида қулупнай, картошка, помидор, бақлажон, қалампир, пияз, шавил, сабзи сингари экинлар барқ уриб ўсайпти.

Худойберди НАЗАРОВ, Қарши тумани

ХУШҲАБАР



Уч эгизак

Хатирчи туманидаги «Бойқаро-Бирлик» фермер хўжалиги аъзоси Бадриддин Турдиев хонадониде бир йўла Фотима, Зухра ва Ҳусан дунёга келди. Бу қувончли хабар бир зумда ҳамма ёққа ёйилди.

— Набирон Бадриддин хўжалигимизда механизатор

бўлиб ишлайди. — дейди эгизакларнинг катта буvasи, 74 нафар чеваранинг бобоси 84 йилни қаршилайтган Абдусалом бобо Шайматов. — Икки фарзанди бешта бўлди. Бундан бутун оиламиз хурсанд.

Аҳмаджон ЭЛМУРОДОВ олган сурат

2012 ЙИЛ — МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ

Самарқандда «Мустақкам оила йили» Давлат дастури ижроси доирасида «Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик — тараққиёт омили» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданият маркази, Республика Вазирилар Маҳкамаси ҳузурдаги Дин ишлари бўйича кўмита, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, «Маҳалла» жамоат фонди ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда вилоятдаги миллий маданият марказлари, давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Республика Байналмилал маданият маркази директори Н.Муҳаммадиев, Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ҳузурдаги Дин ишлари бўйича кўмита раиси О.Юсупов ва бошқалар Президентимиз раҳнамоли-

Ўзбекистон — кўп миллатли аҳил оила

гида мамлакатимизда миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик муҳитини турли миллат ва эллар ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамжихатликни янада мустақкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилётганини таъкидлади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида юртимизда истиқомат қилувчи барча миллат ва элат вакилларининг тили, урф-одат ва аъналарини ҳурмат қилиниши, уларнинг ривожланиши учун шароит яратилиши, виждон эркинлиги кафолатланган. Бу қоидалар бошқа қонун ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда ҳам ўз ифодасини топган.

Ўзбекистонда истиқомат қилаётган 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари манфаатларини таъминлаш, уларни ягона мақсад

йўлида жипслаштириш мақсадида 1992 йили Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилган эди. Жорий йилда мазкур марказнинг йилгирма йиллиги кенг нишонланди.

Самарқанд вилоятида ҳам бугунги кунда юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинч-осойишта ҳаёт кеириб, Ватанимиз тараққиётга муносиб ҳисса қўшмоқда. Уларнинг ўз миллий аъна ва қадриятларини асраб-авайлашлари, урф-одат ва расм-русумларини адо этишлари ҳамда бу маънавий меросни ўсиб келаётган ёш авлодга безавол етказишлари учун кенг имконият, шарт-шароитлар яратиб берилган. Бу борада вилоятда ўнта миллий маданият маркази самарали фаолият олиб бормоқда. Тадбирда «Мустақкам оила

йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда миллий маданият марказларининг давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини янада кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Президентимиз Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан ўтказилган тадбирда таъкидлаганидек, ёшларимизни ҳар хил ёт гоё ва таъсирлардан асраш, уларнинг миллат ва халқ тарихини чуқур ўрганиши учун имкониятларини янада кенгайтириш, навқирон авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш зарурлиги таъкидланди.

— Инсон қадр-қиммати ушлангандан муқаддас Ватанда яшаётганимиздан фахрланамиз, — дейди вилоят немис миллий маданият маркази раиси Наталья Кайзер. — Биз, Са-

марқандда истиқомат қилувчи немис миллатига мансуб 1,5 миңдан ортиқ аҳоли ўз миллий аъна ва қадриятларимизни сақлаб, янада ривожлантириб давом эттириб келмоқдамиз. Мана шундай тинч ва осойишта шароитда яшаб, турли миллатлар билан дўстона муносабатлар ўрнатиб, юртимиздаги йилда меҳнат қилаётганимиздан беихош мамнунимиз.

Семинар доирасида ташкил этилган «Ўзбекистон — кўп миллатли аҳил оила» кўргазмасида юртимиздаги миллий маданият марказлари фаолиятининг ҳикоя қилувчи фотосуратлар, турли миллатларнинг ҳунармандчилик буюмлари ва либослари намойиш қилинди.

Тадбирда Самарқанд вилояти ҳокими З.Мирзаев қатнашди. **Ҳ. ХАСАНОВ,** ЎЗА мухбири

ЭҲТИРОМ

Беназир устоз

Ўзбек мумтоз санъатини асраб авайлаш, келажак авлодларга асл ҳолича етказиш, санъатимизни янги асарлар билан бойитишда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Қадим Раҳимовнинг ҳам ҳиссаси бор. Айниқса, Хоразм санъатининг янада жиловланиши учун устозимиз ўз ҳаётини бахш этган, десак муболаға бўлмайди.

Қадим Раҳимов Урганч давлат университети мусиқа кафедраси доценти сифатида бўлажак мутахассисларга мусиқа илмидан сабоқ бериш билан бирга, ўз ижодий салоҳиятини кенг намоён қилиб, юзлаб бир-бирдан бетакрор ашулалар яратишга муваффақ бўлган. Унинг бир қатор мусиқали драма ва комедиялари 1979 йилдан бўён Огахий номидаги Хоразм вилоят мусиқали драма театри ва вилоят давлат филармония солистлари томонидан маҳорат билан ижро қилиб келинмоқда. «Урганч ҳақида қўшиқ», «Гўзал», «Амударё», «Истар», «Лайло бўлиб кел», «Сирларим» каби асарлари инсон руҳиятининг инжа торларини чертиши билан аҳамиятлидир.

Устозни Хоразм аҳли ҳақиқий санъат фидойиси, мусиқа билимдони сифатида ҳурмат қилишади. Унинг «Гармония бўйича машқ ва масалалар тўплами», «Мусиқанинг элементар назарияси бўйича машқ ва вазифалар тўплами», «Чолғучилар ансамбли», «Мусиқанинг элементар назарияси» каби ўқув қўлланмалари бўлажак мутахассисларнинг мусиқа дунёсига чуқурроқ кириб боришида муҳим манба бўлиб хизмат қилаётир.

— Мусиқа инсон танасига жон билан бирга кирган экан, у мудо руҳимизни поклашга хизмат қилиши даркор, — дейди устоз. — Мусиқанинг софлигини сақлаш унга алоқадор ҳар бир шахснинг вазифасидир.

Ўзбек санъатининг Қадим Раҳимов каби фидойи ва бетакрор истеъдод соҳибига муносиб шогирд бўлишга ҳаракат қиламиз.

Хулқарой РАҲИМОВА, УРДУ филология ва санъат факултети талабаси

«ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ» ТАНЛОВИГА

«Маҳсулот сифрати мутахассисга боғлиқ»

— дейди «МЕХМАСН» ОАЖ касаба уюшма қўмитаси раиси Абдухалиқ Нўмонов

Сўзбатдошимиз ҳақ: ҳар қандай қудратли техникани яратишдан тортиб микросхемалар ихтиросига мутахассис меҳнати, заҳматига бориб тақалади. Тажриба, малака, билимини корхона тараққиёти учун сарф этгучи кадрлар эса ҳамisha касаба уюшмаси ҳимоясида. Зеро, мақсадлар улуғ: ижтимоий ҳаётнинг ҳар жаҳасида инсонларга наф келтириш. А.Нўмонов 1998 йилдан бери касабақўми раиси сифатида ишлаб келаётган «МЕХМАСН» ОАЖнинг ҳар бир кунини шу ҳақиқат тасдиғи-ла кечади.

ИЗЛАНИШ САМАРАЛАРИ

Биз сўз юритмоқчи бўлган корхона ҳақида эшитган бўлсангиз керак: «МЕХМАСН» очик акциядорлик жамияти соҳада етакчилардан ҳисобланади. Компания 1982 йилда «Восток» илмий ишлаб чиқариш бирилшмаси асосида ташкил этилган ва 1995 йилда очик акциядорлик жамияти деб эълон қилинган эди. Чокли пўлат қувурлар, автоматлаштирилган саноят ва уй иссиқхона мажмуалари, инкубаторлар, турли қиллоқ ҳужайка техника воситалари, зараркувчи хашаротларга қарши кураш биологикариятлари ва бошқа турдаги металл маҳсулотлари ишлаб чиқариётган корхона номини ҳорижда ҳам билишадди.

— Хукуматимиз томонидан тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, улар учун шарт-шароит яратиш юзасидан қўрилган чоралар натижасида, компаниямизда ишлаб чиқариш техник базасини модернизациялаш борасида катта ишлар амалга оширилди, — дейди А.Нўмонов. — Бунинг натижасида иш жойи 2003 йилга нисбатан 200 фоизни ташкил этди, товар айланмаси эса 30 бараварга ошди. Замонавий ускуналар ўрнатилиши маҳсулотлар турини кўпайтиришга имконият берди. Чокли пўлат қувурлар ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши шулар жумласига кирди. Хозирги кунда бундай қувурларнинг 100 дан ортиқ турини ишлаб чиқараёلمиз. Президентимизнинг Қарори билан пўлат қувурларини ишлаб чиқариш 2011-2012 йилларда давлат локализация дастурига киритилди.

Сўзбатдошимизнинг маълумот беришича, ходимларнинг автоматлаштирилган саноят иссиқхона комплексларини ишлаб чиқариш, монтаж қилиш ва ишга тушириш борасидаги излашлари ҳам кўнгилдагидек натижа бермоқда. Утган йили пойтахтда ўтказилган АGRONIMTECH EXPO «Минитехнологиялар ва компакт ускуналар» кўргазмасида айни шу маҳсулот кўччилик эти-

борини тортган. Турли ҳажм ва ўлчамдаги «Фермерская-Б», «Фермерская-В», «Компакт» каби иссиқхоналарнинг барчасида компютер бошқарув тизими мавжуд бўлиб, иқлимни сақлаб туриш билан боғлиқ жараён тўлиқ автоматлаштирилган. Истиши, соялаш, намликни меъёрлаштириш, ҳаво алмаштириш, ўсимлик учун карбонат ангидрид газини етказиб бериш тизимлари автоматик тарзда бошқарилади. Яна бир эътиборли жиҳати: конденсат ўсимликка томиб, унга зарар етказмайди. Хомашёнинг тўғри танланганлиги ва конструкция ечимининг мукамаллиги тўғрисида қўлларда иссиқхона устида қўр тўланиб қолиш хавфи батамом бартараф этилган.

— Бу турдаги иссиқхоналар ўрнатилиши ва ишлатилиш қўлайлиги ҳамда мақбул нархи билан бозорда устуликка эришмоқда, — дейди А.Нўмонов. — Буюртмачи истагига қўра, иссиқхона кўрсаткичларини ўзгартириш мумкин. Ишлаб чиқариши асосан бу йилдан бошланган макур маҳсулотимизнинг кичик ҳажмлиларини 10-12 нафар харидорга ўрнатиб берган бўлсак, йирик лойиҳаларни Ангрен, Хоразм, Сурхондарёда амалга оширмоқдамиз. Сурхондарё вилояти Лимонзор шаҳарчасида қад ростлаётган 2 гектар майдонга эга иссиқхона бу йил фойдаланишга топширилди.

— Хабарингиз бўлса керак, айни вақтда Евроҳудудда тукум танқислиги кўччиликни ўйлантираётган муаммолардан бўлиб қолди. Бизда эса... — Вилоятимиз касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ташаббуси билан туманларда касаба уюшма маблағи ҳисобига инкубаторлар харид қилиниб, аъзоларга ҳужжалар тарқатилди. Бунинг замирида, аввало, юртдошларимизнинг фаровон ҳаётига хоса кўшиш мақсади мумассам. Биз учун қувончлиси, шу жараёнда «МЕХМАСН» ОАЖ ходимларнинг меҳнат маҳсули бўлган технологиялар ишлатилмоқда. Жойларда хорижикидан

қўра бизнинг инкубаторларни афзал кўришаётди.

Инкубаторлар ишлаб чиқариш корхона томонидан 2010 йилда ўзлаштирилди. 700 дандан 1056 тагача товуқ тукуми сифадиған инкубаторлар намлик даражаси, харорат ва тукумларнинг тўнтарилишини тартибга солиш автоматик тизимлари билан жиҳозланган. — «МЕХМАСН» ОАЖни чин маънода фермерга қўмакчи десак, муболага бўлмас. Корхонанинг осма ўғит соғичи, универсал севалка, аниқ экиш пневматик севалка каби ускуналари республика далаларида кенг қўлланилмоқда. Эндликда жамиятда биология ҳам ишга тушди.

— Корхона қиллоқ ҳужайка ерларини зараркувчи хашаротлар (чигирткадан ҳимоя қилиш хизматларини ҳам амалга оширади. Бунинг учун УАЗ Патриот русумли юк ва йўловчи ташувчи автомобил билан Буюк Британияда ишлаб чиқарилган химикат селувчи MiconAIR ускуналари ишлатилади. Шунингдек, ўсимликларни комплекс ҳимоя қилиш соҳасида компаниямизда пахта, ғўдвой ва бошқа экин далаларидаги зараркувчиларга қарши биологик курашиш ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Мазкур хашаротларнинг самарадорлиги ҳақида кўччилик яхши билади. Хусусан, браконни кўпайтириш ускунасида 7 млн. хашарот тукуми жонланган. Бу 7 000 гектар ҳудуд зараркувчилардан халос бўлади, дегани. Трихограмма эса 215 хилдан ошқ зарарли хашаротга қарши кураша олади. — Корхона 2010 йилда халқаро сифат бошқарув системасининг ISO:9001:2008 стандарт сертификатини қўлга киритган эди. Бу натижага эришишнинг ўзинга хос шаққатлари бор, албатта. Шундай эмасми? — Дарҳақиқат... Бу ҳолат раҳбарият ва мутахассисларнинг сифат бошқарув тизимини жорий қилиш, тақомиллаштириш, ишлаб чиқариш ва бошқарув

жараёнларини автоматлаштириш, маҳсулот сифатини назорат қилиш ускуналари жорий этилишининг меваидир. Хозирги кунда ишлаб чиқариш линиялари, мамыри биололар ва ускуналарни модернизациялаштириш жараёни давом этмоқда. Раҳбарият иш шариотини ташкил қилишни яхшилаш, хизмат кўрсатиш тизимини тақомиллаштириш ҳамда сифатли маҳсулотни тўхтовсиз ишлаб чиқаришни ривожлантириш каби масалаларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Яқинда корхона миксидда ўтказилган танловдан қўзланган мақсад ҳам замонавий маҳсулот ишлаб чиқариш орқали жамиятнинг ривожига ҳисса қўшишдан иборат.

«ҲОЯ УЧУН 6 МИЛЛИОН!» — Номлаштиришнинг кишини қизиқтирувчи мазкур танлов хусусида кенгроқ тўхталсангиз...

— Эълон қилинган кундан бошлаб кўччиликни излашишга, яратилган ундаган мазкур танловда маркетинг Ахмадхон Сулаймонов мис кувурлар ишлаб чиқариш лойиҳаси билан голиб бўлди ҳамда олти миллион сўмлик ютуғни қўлга киритди. Лойиҳа қатор афзалликларга эга. Хусусан, хомашё — мис 100 фоиз маҳалли бўлиб, ОТМК томонидан йилга 90 минг тонна атрофда чиқарилади. Шундан 10-15 фоиз маҳалли корхоналар томонидан қайта ишлаганга йўналтирилади. Юртбошимиз таъкидлаганидек, маҳалли хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва бунинг натижасида қўзланган қиймати ошириш долзарб масаладир. Маҳсулот 90-100 фоиз экспортга йўналтирилиши сабабли йилга 25-30 млн. АҚШ доллари миқдорига валюта маблағлари тушумига эришилади. Шунда заводнинг йиллик валютага бўлган талаби тўлиқ қондирилади. Заводнинг ишлаб чиқариш қувватини ўзлаштириш даражаси 20-25 фоиздан 50-60 фоизга кўтарилди. Вилот газнасига йилга 3 млрд. сўм миқдорига солиқ тўланади. Уртача 120 киши янги иш ўрни билан таъминланади.

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ ИЖРОСИ КАСАБАҚЎМИ НУФУЗИНИ БЕЛГИЛАЙДИ — Маълумотларга қараганда, 2004 йили корхонада атиги 40 киши ишлаган экан. Хозир бу кўрсаткич

қай даражада янгилади ва меҳнаткашларга берилаётган имтиёзлар хусусида тўхталсангиз?

— «МЕХМАСН»да айни кунда 94 нафар ишчи-ҳодим хизмат қилади. ОАЖ таркибига кирувчи «MashSavdo» МЧЖда эса 117 нафар, «МЕХМАСН Агро» МЧЖда 43 нафар меҳнаткаш фаолият юритади. Жамоа шартномасида ходимларга қатор имтиёзлар белгиланган. Хусусан, бахтсиз ҳодиса юз берганда ойллик нафақадан ташқари, бир йўла тўланадиган товон пули ходимнинг 12 ойлик иш ҳақи миқдори даражасида белгиланган. Афғон уруши ҳамда Чернобил ҳалокати катнашчиларининг уй-жой таъмирлашлари учун кетган харажатнинг 30 фоизи иш бевучи томонидан қопланиши назарда тутилган. Тўй тантаналари ёхуд маъракаларда ходим учун беш кунлик иш ҳақи сақланадиган таътил берилади. Шунингдек, камиди беш йил ишлаган ходим бир йилда бир маротаба зарур бюртмани тайёрлаштириш имтиёзига эга. Хозирги вақтда шартноманинг барча бандлари амалда. 2011 йилнинг 2-чораги нийоҳасида зарур иш ўриларини шаҳодатланди.

Ходимлар иссиқ оғват, сўт билан бе-пул таъминланмоқда. Утган йили ёзи маҳсус кийим учун 16 млн., қишки мавсум учун 30 млн. сўм маблағ сарфланган бўлиб, соғун, сода каби гигиена воситаларига 10 млн. сўм ишлатилди. Ходимлар ва уларнинг фарзандлари саломатлигини тиклаш, соғломлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Ҳар йили компания ишчилари фарзандларидан 35 нафари оромгоҳларда дам олдирди.

Утган йили санаторийларга ходимлардан ўн бир нафари жўнатилган бўлса, жорий йилнинг шу вақтига қадар тўрт киши йўлланмага эга бўлди. Ходимлар малакасини ошириш ҳам доимий эътиборда. Утган йилнинг декабр ойида хорижлик мутахассислар широкда ўқувлар ташкил этилди, барча ходимлар аттестациядан ўтказилди. Шунингдек, жамоани шижоатли, билимли ёшлар ҳисобига кенгайтиришга ҳам жиҳдий ёндашилади. Хусусан, ўтган йили 8 нафар коллеж, 4 нафар олий ўқув юрти битирувчилари ишга қабул қилинди.

Компания қўрилган даромад ҳисобидан қатор хайри ишларга ҳам қўл урди туради. Хусусан, уннинг ҳоимлик фаолиятини «Мингчирор» МФЙ ағли жуда хурсанд.

Ходимлар манфаатини ҳамisha ҳимоялашга интилиш — бизнинг бурчимиз. Энг яхши ҳимоя эса намунали иш шариоти ва муносиб иш ҳақидир. Бу жараёнда кузатув кенгашиимиз ҳеч қачон ташаббускорликни қўлдан бой бермайди. Сўзбатимиз сўнгига Абдухалиқ ака Нўмонов кўнгилдан чиқариб айтган бу фикрлар айни ҳақиқат. Зеро, «МЕХМАСН» ОАЖнинг эришадиган ҳар бир ютуғи ортда шундай ҳақиқатлар турибди.

Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch» муҳбири

(Давоми. Боши 1-бетда).

Танловнинг учинчи шарт «Турмуш ўртоғини ишга ёки бошқа жойга кузатиш» мавзусида бўлди. Бу шартда Татьяна кўриниши ва Юлдузхон тақдим этган саҳна кўриниши юқори баҳоланди.

Жамият таянчи

Танловнинг оилавий спортга бағишланган шартда Хабировлар оиласи 88 балл тўплаб, пешқадам бўлди. Танлов якуни бўйича Юсуповлар «Энг санъатсевар оила», Мирхамедовлар «Энг кувнок оила», Мўйдиновлар «Энг тежамкор оила», Алиевлар «Энг назокатли оила» номинациялари бўйича голиб бўлди. Хабировлар оиласи мутлақ голиб деб топилиб, 1-даражали диплом билан тақдирланди ҳамда «GM-Ўзбекистон» қўшма корхонаси касаба уюшма кўмитаси, Металлургия ва машинасозлик санюти ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда Андижон вилоят раислар кенгашининг қимматбахо совғалари билан тақдирланди.

— Меҳнат уюлганландиган, хотин-қизларнинг ўрни юксак баҳолананди, турли миллат вакилларининг баҳамжиҳат яшашига шароит яратилган мамлакатдагина шундай тадбирлар ўтказиш мумкин. Тадбир баҳона ўзимиз, оиламиз ва касб-кўримизга эътиборимиз янада ошди.

Ҳамидулло МАТИСАЕВ, Абдулхай ЮНУСОВ

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА

ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИК АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Аукцион савдосига «AGRO BANK» ОАТБ Бошқарувининг 2012 йил 11 майдаги 30/2-сонли йиғилиш қарорига асосан «AGRO BANK» ОАТБнинг «KOKAND MILK QUALITY» МЧЖ устав фондидаги 100 фоизлик банк улushi қўйилмоқда:

Table with 3 columns: Корхона жойлашган манзил, Сотувга қўйилган улush, Бошланғич баҳоси (сўмда). Values: Фаргона вилояти, Кўкөн шаҳри, Парнашабоф кўчаси, 273-уй; 100%; 2 909 256 000.

Аукцион савдоси 2012 йил 15 июн кунини соат 12:00 дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш қўнлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2012 йил 13 июн кунини соат 18:00.

Юқоридаги улush 2012 йил 15 июндаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда тақририй аукцион савдолари 2012 йилнинг 22 ва 29 июн қўнлари соат 12:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2012 йил 22 июндаги тақририй савдо учун 2012 йил 20 июн кунини соат 18:00, 29 июндаги савдолар учун 27 июн кунини соат 18:00. Савдо голиби деб топиладиган шахсга 10 иш кунини ичида сотувчи билан олди-сотида шартнома тўзиш ҳамда «KOKAND MILK QUALITY» МЧЖнинг барча қарздорликларини ўз мuddатларида тўлашини таъминлаш мажбуриятини зиммасига олади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилдиган закат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 1% фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг ОАКБ «Ипак йўли банки» Савбон филиалдаги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИИН: 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор туман, 1-Қорақамий кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.mmm.uz.

ОРОМҒОҲЛАР МАВСУМГА ШАЙМИ?

Ёз фаслини ҳеч ким болалардек интиқ кутмайди. Негаки ана шу паллада ўқиш тугаб, таассуротларга бой таътил кунлари бошланади. Бу йил Самарқанд вилоятида меҳнаткашларнинг қарийб 17 минга яқин фарзандлари ёзи оромгоҳларида дам олдирилиши режалаштирилди. Шаҳардан ташқаридаги 24 та оромгоҳда таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари кўзда тутилган.

Таъмирни пайсалга солманг

Ҳўш, мавсумга тайёргарлик қай аҳволда? Бу жараёнга мутасадди бўлган ташкилотлар масъулиятини ҳис этиаяптими? Таъкидлаш жоиз, бир қатор ташкилотлар ҳордиқ кунларигача бу юмушларни поёнига етказишни ўйлашмоқда. Вилоятдаги «Золотинка», «Олдузча» оромгоҳларида тегишли ишлар амалга оширилаётди. Таъминотда узилишлар бўлмаслиги учун қатор савдо ташкилотлари, фермер ҳўжаликлари билан шартномалар имзоланди. Бироқ, ҳамма жойда ҳам шундай деб бўлмайди. Бино ва иншоотларни таъмирлаш, ошхона, спорт майдончаларини мавсумга ҳозирлашда бепарволик сезилмоқда.

Ургут туманида 5 та оромгоҳ мавжуд. Турли ташкилотлар тасарруфидидаги бу масканларнинг ақсариятида жорий таъмирлаш ишларига қўл урилмаган. Ваҳоланки, мавсумнинг энг қизгин паллалари ана шу ҳудуддаги оромгоҳларда ўтади. Тумандаги «Дўстлик», «Болта Набиев», «Баҳор», Самарқанд туманидаги «Ёшлик» оромгоҳи, Окдарё туманидаги «Оқдарё», Жомбой туманидаги Ахмадхон Курбонов номи оромгоҳларида таъмирлаш ишларига киришилмаган. Ҳали бироз фурсат бор, урдалаймиз деган кайфият эртага панд бермайди, дея ҳеч ким кафолат бера олмайди. Шунингдек, барча оромгоҳларда электр ва газ таъминоти хусусида ҳозирдан бош қотириш керак эмасми? Ичимлик суви-чи?! Баъзи оромгоҳларнинг кадрлар таркиби ҳануз шакллантирилмаганига нима дейсиз?

— Оромгоҳлардаги мавжуд камчиликлар мутасаддиларга етказилган, — дейди Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим мудири Акбар Қодиров. — Ўйлаيمانки, тез орада барча камчиликларга барҳам берилади. Вақтинг кетди, нақдинг кетди, деган нақл бор. Шунинг учун темирини қизигида босган маъкул.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» муҳбири



Суратда: корхона ишчилари (чапдан) Рустам Ғононов ва Жамшид Қувондиқов. Аскар ЁҚУБОВ (ЎЗА) олган сурат

«УСТОЗ-ШОГИРД» ТИЗИМИ АМАЛДА

Умумтаълим мактабларида ёшларни касбга йўналтириш ва танлаш ишлари қизгин олиб боришмоқда. Айни вақтда юқори синф ўқувчилари билан турли фан кочалари ва «Очиқ эшиклар» кунини ўтказилиб, коллежларга экскурсиялар ташкил қилинапти.

Ўқувчи касб танлайди

Яқинда Жиззах шаҳридаги 22-умумтаълим мактабиде битирувчи 105 нафар йигит-қиз иштирокида «Мувофиқлаштирувчи кеча» уюштирилди. Унга Жиззах автотранспорт ва алоқа, иқтисодиёт ҳамда санюти ат касб-ҳунар коллежлари вакиллари таклиф қилинди. — «Киз боланинг касби — унинг бахти» каби мавзуларда иншо-дан кўрик-танлов ҳамда бир неча марта сўровнома ва тест синовлари ўтказилди. Алишер Навоий номи маҳаллада яшовчи турли касб эгалари билан учрашувлар ўтказилиб, фотокўргазмалар ташкил этилди. — Утган ўқув йилида мактабни тамомлаган 114 нафар ўсимир касб-ҳунар коллежларида тах-

ЎҚУВ-СЕМИНАР

Инсон манфаатлари ҳимояси

билим ва малакага ҳам боғлиқ

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши УзКУФК Раёсатининг 2011 йил 31 декабрдаги қарорига асосан, туман ва шаҳар кенгашлари раислари учун ўқув-семинар ташкил этди.

Унда тармоқдаги барча вилот кенгаши раислари касаба уюшмаси органлари олдида турган устувор вазифалар, тормоқ ходимлари касаба уюшмаси Уставы талабларига риоя этиш, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва интернет тизимини ўзлаштириш, нодавлат сектор корхона ва ташкилотларида касаба уюшма қўмиталарини тузиш, ишловчиларни касаба уюшмасига жалб этиш бўйича мониторинг ишларини олиб бориш, меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида етарлилик билим ва малакага эга бўлдилар. Ўқув-семинар давомида касаба уюшмаси мутахассислари ва олимларнинг қизиқарли маърузалари тингловчиларда қизиқиш уйғотди.

Абдулла САИДОВ, Жиззах вилояти

Шунингдек, тадбирда касаба уюшма органларида иш юритиш, назоратдаги ҳужжатлар билан ишлаш тартиби, ишни режалаштириш, маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт ишларини ташкиллаштиришга доир тренинг машғулотли ўтказилди. Тингловчилар Тошкент шаҳар тармоқ касаба уюшмасининг Миробод тумани кенгаши фаолияти билан яқиндан танишидилар. Ўқув-семинар якунида тингловчиларнинг билим доирасини аниқлаш мақсадида оғзаки имтиҳон ҳам ўтказилди.

Дилдора ИСМОИЛОВА, тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Бекобод шаҳар мувофиқлаштирувчи Кенгаши раиси

МИНИ-ФУТБОЛ

Анъанага айланадиган бўлди



Пойтахтимиздаги «Яккасарой» спорт мажмуаси ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Бу ерда Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгашининг ташаббуси билан Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Фанлар академияси, Республика ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва спорт ишлари вазирлиги, «Фанлар академияси» ва «Марказ» (Республика ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази); «В» гуруҳидан «Маданият ва спорт» (Маданият ва спорт ишлари вазирлиги), «Олий таълим» (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги) ҳамда «Халқ таълими» (Халқ таълими вазирлиги) жамоалари жой олишди.



Таъкидлаш жоизки, Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши яқинда ушбу ташилотлар ўртасида шахмат турнирини ташкиллаштирган эди. Энди навбат мини-футболга келди. Сентябрда волейбол, ноябрда эса стол тенниси мусобақасини ҳам ўтказиш режалаштирилган. Турнирнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар мусобақа иштирокчиларига муваффақият тилаб, ушбу турнир жорий йил кузда нишонланадиган Ўзбек футболнинг юз йиллиги олдидан ўзига хос тадбир бўлиб қолишига алоҳида эътибор қаратишди. Олти жамоа икки гуруҳга бўлинди: «А» гуруҳидан «Марказий кенгаш» (Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси

жиддий қаршилик кўрсатди. Айниқса, Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг ўринбосари Баҳодир Аҳмедов ҳам иштирокчи жамоалар орасида майдонда ҳаракат қилган ягона раҳбар сифатида, ҳам тажриба ва маҳорат борасида профессионал футболчилардан қолишмайдиган хатти-ҳаракатлари билан томошабинларда илқ таассурот қолдирди. Унинг ташаббуси билан бошланган ҳужумларнинг аксарияти дарвозани ишғол этиш билан якунланди. Кизиқарли кечган ўйинда «Маданият ва спорт» жамоаси галаба қозонди — 4:2. Бу орада дам олиб улгурган «Олий таълим» жамоаси нишга эга бўлиб, ўйин натижалари ҳам шунга мос равишда кечди. Тўғри, дастлаб майдонга тушган «Олий таълим» ва «Халқ таълими» жамоалари ўртасидаги учрашувда «Халқ таълими» жамоаси йирик ҳисобда мағлубиятга учради. Буни мазкур жамоанинг етакчи ва тажрибали ўйинчиларини мусобақага кечкичи келиши билан изоҳлаш мумкин. Шундан сўнг таркибини кучайтиришга эришган «Халқ таълими» жамоаси «Маданият ва спорт» жамоасига

ва «Фанлар академияси» жамоалари бахсларидан сўнг ойдинлик киритилди — 7:0. Шундан сўнг, барчанинг нигоҳи майдонга қадалди. Мухлислар саралаш бахсларидан финалгача етиб келган икки жамоа — «Маданият ва спорт» ҳамда «Марказ» учрашувини ҳам катта кизиқиш билан кузатишди. Ҳар ҳолда шохсупанинг биринчи поғонасига қайси жамоа аъзолари кўтарилишини билишга кизиқиш кучли эди-да! Икки бўлимдан иборат «жанг» якунига етгач, «Маданият ва спорт» жамоаси галабани тантана қилишди — 6:0.

Мусобақа якунида голиб ва совриндорлар Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгашининг кўча кубоги ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди. «Моҳир дарвозабон», «Шижоатли ҳужумчи», «Энг элчил ҳимоячи», «Энг кўп гол урган ўйинчи» каби бир қатор номинициялар бўйича алоҳида кўрсаткичларга эришган иштирокчилар ҳам совғадан бенасиб қолишмади. Хатто, тақдирлаш маросими доирасида жорий йилнинг апрел олдига юқорида номлари келтирилган ташкилотларнинг аппарат ходимлари ўртасида уюштирилган шахмат бўйича (аёллар ва эркаклар) мусобақасида голиблик наҳидасини сурган қатнашчилар ҳам ўз улушларига эғалик қилишди. Шундай қилиб, мазкур мусобақа ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган бўлди.

Назулла МАҲАМОВ,
«Ishonch» мухбири,
Бурхон РИЗОҚУЛОВ
олган суратлар

СОҒЛОМ ОИЛА — СОҒЛОМ ФАРЗАНД

Аъзоларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш баробарида уларни ижтимоий, маънавий, жисмоний фаолликка ундаш, аъзолик афзалликларини асослаш борасида ўтказиладиган тадбирлар касба уюшмаларининг жамиятдаги мавқеини янада оширишга хизмат қилмоқда. «Соғлом оила — соғлом фарзанд» оилавий спорт мусобақаларини ана шундай тадбирлардан бири сифатида баҳолаш мумкин.

Беллашувдан фестивалга

Яқинда алоқа ходимлари касба уюшмаси Хоразм вилоят бирлашган кўмитаси томонидан соҳа ходимлари ўртасида мусобақаларнинг вилоят босқичи ўтказилди. Унда алоқа ва ахборот хизмати кўрсатувчи 8 та ташкилотда фаолият юритувчи ёш оилалар ўзаро куч синашди. Мусобақа низомига мувофиқ, қиз фарзанд иштирокидаги оилалар алоҳида, ўғил фарзанд иштирокидаги оилалар алоҳида беллашди.

— Мусобақа шартлари кизиқарлиги билан бизга маъқул бўлди, — дейди «Ўзбектелеком» Хоразм филиалининг кабел пайвандловчиси Полвонназир Янгибоев.

Унга турмуш ўртоғи Нарғиза ва қизи Хуршида кўшқанот бўлишди.

Беллашувни кузатар эканмиз, 80 ёшлардаги бир онахон диққатимизни тортди.

— Ўғлим Бахтиёрни қўллаб-қувватлаш мақсадида келдим, — дейди Баҳия она. — У ўн биринчи фарзандим. Олти опаси, тўрт оғаси бор ўғлон ҳаммадан бахтли деб, Бахтиёр исмини танлаганимиз. Бахтиёр Раҳимов оиласи Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали шаънини ҳимоя қилди ва голиблар сифидан жой олди.

Ўғил фарзандлар иштирокидаги йўналишда «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Хоразм бўлими вакили Мурод Раҳимов оиласи биринчи, «Ўзбектелеком» АЖ Хоразм филиали вакили Ҳамза Раҳимов оиласи иккинчи, ТАТУ Урганч филиали ўқитувчиси Ҳамид Хусайнов оиласи учинчи ўринни қўлга киритди. Қиз фарзандли оилалар орасида эса биринчи ўрин «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Хоразм бўлими вакили Салима Жўлдосбоева оиласига, иккинчи ўрин «Ўзбектелеком» Хоразм филиали вакили Полвонназир Янгибоев оиласига, учинчи ўрин ТАТУ Урганч филиали ўқитувчиси Бахтиёр Раҳимов оиласига насиб қилди.

Спортчи оилалар жисмоний имкониятларини синовдан ўтказаятган бир пайтда, 8 та корхонада меҳнат қилаётган қўли гул пазандалар бор маҳоратларини ишга солиб, ош тайёрлашга киришди. Палов шундай таомки, уни нафақат ҳар бир ҳудудда, балки ҳар бир ошпаз ўз услубида тайёрлайди. Хоразм паловлари таъми ўзгачалигининг сирини Хоразм гуруҳидами ёки пишириш услубидами? Албатта, ҳар иккаласида ҳам, дея жавоб қилишди ошпазларимиз. Уларнинг фаолиятини диққат билан кузатдик. Айрим жамоалар ош тайёрлашни эркакларга ишониб топширишган бўлса, бошқалари аёлларни пазандароқ деб ҳисоблашди.

Айниқса, «Ўзобайл» Хоразм бўлими жамоаси тадбирга алоҳида тайёргарлик кўрган биринчи дақиқалардан оқ маъно бўлди. Уларнинг қозони атрофи байрамона руҳда шар ва плакатлар билан безатилди. Иштирокчилар ўз тадбиркорлигини намойиш этиб, «Ўзобайл»ни реклама қилишга ҳам унуттишмади.

Иштирокчилар нафақат ўзларининг ошпазлик маҳоратини, балки «Сиз биласизми?» туркумидаги саволларга жавоб қайтараётиб, ош ҳақида қанчалик кўп билимга эғаликларини ҳам намойиш қилишди. Оғир меҳнат билан шуғулланувчилар, хусусан, ҳашарчилар, уй қураётган усталар унун ҳар кун туш маҳали ош пишириш услубидами одат тусини олган. Биринчидан, бу усталарга ҳурмат рамзи. Қолаверса, «фақат паловгина устани тўқ тутайди ва куч-ғайратини тўғри тақсимлаш имконини беради» дейишади. Хоразмлик ёши улуг инсонлар ҳам ошни яхши қуришади.

Хуллас, 8 қозонда (ош пиширишда газдан фойдаланилмади, улар катта қозонларда, ўчоққа ўт қалаб тайёрланди) пишган ошларнинг ҳар бирига Урганчдаги машҳур «Нарғиз» кафеси бош ошпази Озод ака бошлиқ ҳакамлар ҳайъати баҳо беришди. Албатта, ошларни баҳолашда спорт мусобақаларида фаол иштирок этган оилаларнинг фикрлари ҳам инобатга олинди. Шу тариха биринчи ўрин «Ўзобайл» Хоразм филиалига, 2- ва 3- ўринлар вилоят ахборот-кўтубхона марказига, «Ўзбекистон почтаси» Хоразм филиали жамоасига насиб қилди.

— Спорт беллашувлари ва Ош фестивали соҳа ходимларига чинакам байрамона тўхта бўлди, — дейди бирлашган касба уюшма кўмитаси раиси Зулфия Бобонова. — Иштирокчиларнинг хуш кайфиятини, фаолиятини кўриб ўзимиз ҳам мамнун бўлдик.

Голиб ва иштирокчиларга касба уюшмаларининг фахрий ёрлик ҳамда қимматбаҳо совғалари топширилди.

Муҳаббат ТўРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

Касба уюшмалари ва туризм

Таассурот

Юрган — дарё, дейдилар. Жойлардаги касба уюшма ташкилотлари сайёҳаракатлари туфайли ходимларнинг туристик сайёҳатини ташкил этишга эътибор кучаймоқда. Зарбдорлик касба уюшма фаолларидан ўттиз нафари кўҳна ва ҳаминша навакирон Самарқанд шаҳри бўйлаб сайёҳат қилишди.

Нафақат осори-атикалар, шу билан бирга, шаҳарда мустақиллик йилларида барпо этилган бири-бирдан кўркам иншоотлар, равон йўللар, обод хиёбонлар барчада катта таассурот қолдирди.

Туризм бўйича белгиланган дастурга мувофиқ она-Ватанимизнинг кўҳна кентлари бўйлаб бу каби сайёҳатларни тез-тез уюштиришни режалаштирганмиз.

Бердали АБДУАЛИЕВ,
Зарбдор туман таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси кенгаши раиси



Истиқлол фарзандлари

Шайхонтоҳур туманидаги «Истиқбол фарзандлари» номли 84-боғча-мактаб ўқитувчиси Дилором Тўлахуева ҳар бир бола қалбини бир олам деб билиб, ҳажжи ўқувчиларини билимлар дунёси томон бошлаётган фидойи педагоглардан. У дарсларни интерфаол усулда, кўргазмаларни куруллардан фойдаланган ҳолда кизиқарли ва таъсирчан ўтишга ҳаракат қилади. Тажрибали педагог дарсида барча ўқувчиларнинг бевосита

иштирокини таъминлай олади. Шунинг учун ҳам болаларнинг ўзлаштириши юқори. Бундан, айниқса, ота-оналар мамнун. — Боғча-мактабимизда болажонлар учун барча шароитлар етарли. Ўқувчиларимиз мактаб дастурини белгиланган дарсларни ўтиш билан бирга вақтида овқатланиб, дам олишади. Ўртоқлари билан ўйнаш баробарида уй вазифаларини ҳам бажаришади, — дейди заҳматқаш педагог. —

Одатда болаларни мактаб муҳитига мослашиб, унинг қонуни-қоидаларига кўникиб кетиши кийин кечади. Боғча-мактабимизда уларнинг ҳали бола эканлиги, миттигина вужудлари тезда чарчаб қолиши мумкинлигини эсда сақлаган ҳолда сабоқларни ташкил этаймиз. Бугун болага қанчалик меҳр кўрсатиб, тўғри тарбия берсак келажақда, албатта, роҳатини кўрамиз.

Икром ХАСАНОВ олган сурат

ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШИБ

Мирзаобод туманидаги «Тошкент» қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудуддаги «Ёшлар» қишлоғида бир табарруқ онахон Норбуви момо Ўролова истиқомат қилади.

Ҳалол меҳнат мукофоти

Онахон яқинда фарзандлари, қўша-қўша, неварра-чеваралари даврасида кутлуг юз ёшини нишонлади. У Холназар бобо билан уч ўғил, тўрт қизни тарбиялаб воёга етказди. Уроловлар сонадони қишлоқдаги энг намунали оилалардан санади. Раҳматилла, Нурилло, Ҳабибулла, Тошқол, Ойитилла, Шарофат, Улбўсин элга муносиб фарзандлар бўлиб камолга етдилар. Норбуви момо бугун 40 нафар неварра, 15 нафар чевара даврасида умргузаронлик қилмоқда.

— Энамиз бизнинг фахримиз, — дейди онахоннинг неварраларидан бири Алишер Уролов. — Унинг панд-насиҳатларига, ўғитларига амал қилиб, асло кам бўлмадик.

— Бутун умр ҳалол меҳнат қилдим. Ишлаб асло кам бўлмадим, — дейди Норбуви момо. — Ҳалол меҳнат ортидан фарзандларимни уйли-жойли қилдим. Яратганга минг қатла шукр, юртимизнинг мустақил бўлган кунларини кўриш менга насиб этди. Дорилмомон, фарвон замонда яшапмиз. Энг муҳими, юртимиз осовийшга, осмонимиз тинч. Бундай кунларнинг қадрига етиш керак, болаларим.

Сўхбатимиз адоғида Норбуви момо юртимизга хотиржамлик, эл дастурхонига кут-баракат тилаб, дуога қўл очар экан: «Барчангизни меннинг ёшимга етказсин», — дея эзгу тилаклар билдирди.

Анорбой НОРКУЛОВ



Muassis:
O'zbekiston kasaba uyuşmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abdusoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:
Normamat ALLAYOROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Esor RAJABOV,
To'liqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib)

Bo'limlar:
Kasaba uyuşmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99894 226 28 84;
Namangan + 99897 491 79 28;
Samarqand + 99866 708 70 12;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99873 221 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzillim:
100165, Toshkent shahri,
«Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail:
ishonch2012@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
A. Toshev
Navbatchi:
S. Abdurahmonov
Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H. Abdullilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonasi manzili: «Buyuk Taron» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilib shart. Mualliflar fikri ta'hiriyat nuqtai nazaridan farg'lanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari
2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta o'set usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

Bosilishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 01.40

Buyurtma 1 - 511
21945 nusxada bosildi
1 2 4 5